

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори А.Бурханов
раислигида ўтказилган йиғилиш**

4-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2025 йил 11 август

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

А.Бурханов
Агентлик директори

Директор ўринбосарлари:

У.Тухташева, У.Мавлянов

Агентлик ходимлари:

Барча таркибий тармоқ
раҳбарлари

Котиб:

И.Абдуллаев

Кун тартибидаги масала:

I. Таркибий тармоқлар томонидан 2025 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилган ишлар

II. “Ijro.gov.uz” тизимидаги ҳужжатлар ҳамда Агентлик олдида турган бошқа топшириқларнинг ижро этилиши аҳволи ҳамда келгусидаги вазифалар

Йиғилишни раислик этувчи кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан куйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2025 йил 6 ойида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида бир катор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, 3 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, натижада миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, ички назорат тузилмаларини ташкил этишнинг минимал мезонлари тасдиқланди, ҳуқуқий эксперимент тарзида Соғлиқни сақлаш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзсувтаъминот” АЖларнинг ички назорат тузилмаси Агентликка ўтказилди.

Агентлик томонидан давлат харидлари соҳасидаги қонунбузилиши ҳолатлари бўйича вазирлик ва идораларга 75 та такдимномалар киритилди.

35 та ҳолатда 37,4 млрд, сўмлик харидлар бекор қилиниб, ноқонуний давлат харидлари ўтказилишининг олди олинди.

Бундан ташқари, ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун 72 та материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги** қонунчилик талабларига риоя этиш ҳолатларини ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 193⁴-моддаси (*манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик*) жами **344 та** маъмурий ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги баённома тузилиб, тегишли судларга юборилди.

Ҳисобот даврида **102 та** давлат органи ва ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтинг баҳоланишдан ўтказилиб, **41 тасининг** фаолият самарадорлиги “**яхши**” (81-100 балл), **53 тасиники** “**қониқарли**” (55-80 балл) ҳамда **8 тасиники** “**қониқарсиз**” (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди.

Очиқлик Индексида жами **98 та** давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ўрганилиб, **50 тасининг** самарадорлиги “**яшил**” (71-100 балл), **34 тасиники** “**сарик**” (55-71 балл) ҳамда **14 тасиники** “**қизил**” (55 баллдан паст) кўрсаткичларини қайд этди.

Коррупция хавф-хатарларини баҳолашда **121 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **6 123 та** функцияларидан **466 таси** хавф-хатар даражаси “**юқори**”, **1 753 таси** “**ўрта**” ҳамда **3 409 таси** “**паст**” эканлиги аниқланди.

“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”да **11 минг нафар** давлат хизматчиси, **1,5 млн нафари** мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, **1,9 млн нафар** умумтаълим мактабларининг 1-3-синф ўқувчилари, **30 минг нафар** Олий таълим муассасалари талабалари ўқитилди.

Фуқаролик жамияти институтларига коррупцияга қарши курашиш йўналишида жами **2 млрд 830 млн** сўм миқдоридан грант ва ижтимоий буюртмалар ажратилди.

Жорий йилнинг 1-ярмида Агентликка жами **2 872 та** (252 таси Call марказ орқали) мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **2 824 тасининг** кўриб чиқилиши таъминланган, **48 та** мурожаат қолдиқ бўлиб ўтган.

Йиғилиш давомида, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий ижрочи этиб белгиланиб, якунига етказилмаган **11 та топшириқ** бўйича масъул таркибий тармоқ раҳбарларига ижросини таъминлаш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан директор ўринбосари У.Мавлянов сўзга чиқиб, Агентликда меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш бу борада ходимларни интизомий жазолаш ва рағбатлантириш борасидаги ишларни муҳокама қилиш учун “Одоб-ахлоқ” комиссияси фаолият юритишини комиссия томонидан жорий йилнинг I-ярмида кўриб чиқилган ишлар ва кўрилган чоралар тўғрисида маълумот берилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижро интизомига, хизмат ва хизматдан ташқарида ўзини тутиши, хизматга доир маълумотларни сақлаш ва фойдаланиш ҳамда махфийлик талабларига қатъий риоя қилишлари таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан директор ўринбосари У.Тухташева ва таркибий тармоқ раҳбарларининг ҳисоботлари ва ҳамда таклифлари эшитилиб, муҳокама этилди.

Қайд қилинганларга асосан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари (У.Тухташева, У.Мавлянов), Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими (И.Абдуллаев) ва барча таркибий тармоқ раҳбарларига:

1.1 “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида якунига етказилмаган **11 та топшириқни назоратдан ечиш** бўйича кунлик

назорат ўрнатилсин ва август ойида ижроси белгиланган **8 та топширикни ижро муддатини кутмасдан бажариш чоралари кўрилсин.**

1.2 Жорий йилда камида 500 нафар раҳбарлик лавозимларида ишлаётганлар ва ушбу лавозимлар учун захирада турганларнинг коррупцияга қарши барқарорлиги даражасини баҳолаш ишлари вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилсин ва амалга оширилаётган ишлар бўйича **ҳар ойда Агентлик раҳбариятига ахборот тақдим этилсин.**

1.3 “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида давлат органлари ва ташкилотларига янги қабул қилинган ходимларини ўқитиш борасида ҳар ойда эслатма хатлари тайёрланиб, вазирлик ва идораларга киритиб борилсин.

1.4 Агентлик ихтиёрига ўтказилган 5 та вазирлик ва идораданинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолияти доимий мувофиқлаштирилиб, мониторинг қилиб борилсин ва амалга оширилаётган ишлар бўйича **ҳар ой якуни билан Агентлик раҳбарига ахборот киритиб борилсин.**

1.5 “V Тошкент аксилкоррупция форуми”ни ташкил этиш бўйича тасдиқланган “Йўл харита”да белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ижроси таъминлансин.

1.6 Агентлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясида ҳимоя қилиш борасидаги ишлар бўйича доимий назорат ўрнатилсин ва улар билан ҳамкорликда якунига етказиш чоралари кўриб борилсин.

1.7 Ходимларнинг меҳнат ва ижро интизомига, хизмат ва хизматдан ташқарида ўзини тутиши, хизматга доир маълумотларни сақлаш ва фойдаланиш ҳамда махфийлик талабларига қатъий риоя қилишлари назорат қилиб борилсин.

Раислик этувчи

А. Бурханов

Котиб

И. Абдуллаев